

Шу кундан бошлаб, уларнинг нафси ҳакалак отиб, ошхонага тез-тез келиб туришни одат қилишди. Ҳар сафар келишганда текшириш ўтказмаслик ва жаримага тортмаслик эвазига, турли муаддатларда пул маблағларини пора тариқасида олиб туришди.



6 бет

Орадан икки кун ўтиб, тушлик вақтида қизнинг онаси келиб, Икромни чақириб олади ва ундан Маҳфуза билан қандай муносабатдалигини сўрайди. Шунда йигит «ғаров» ўйнагани туфайли Маҳфузани яхши кўраман, деб бошини айлантирганини айтади.



9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 12-sentabr, №37 (870)

Бош прокуратурада

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабргаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг ижросига бағишланган идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Идоралараро йиғилиш

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари ҳамда Президент Девони масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг 1-ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раислари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти раҳбарияти, тармоқ раҳбарлари ва масъул ходимлари, вилоят прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари ва тегишли бўлим бошлиқлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, адлия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирларининг, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари раисларининг, Республика "Маҳалла" хайрия жағғармаси раисининг ўринбосарлари, шунингдек, уларнинг ҳудудий тармоқлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбирда амнистия тўғрисидаги қарор ижроси ажулаши, ушбу йўналишдаги ишларнинг ташкиллаштирилиши ва бажарилиши, бунга масъул ходимларнинг маънавиятини ошириш ҳамда улар томонидан суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги, жумладан, амнистия тўғрисидаги қарор 68 809 нафар шахсга нисбатан татбиқ этилиб, улардан 42 649 нафари жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилинганлиги, 26 160 нафар шахсга нисбатан тайинланган жазолар қисқартирилганлиги ба 897 млн.

Э.ТАДЖИЕВ,
Бош прокуратура
бошқарма бошлиғи

сўм моддий ёрдам пули берилганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, мажлисда амнистияни қўллаш жараёнида ҳокимликлар ҳузуридаги махсус ҳудудий комиссиялар ва кўнима марказлари, суриштирув, дастлабки тергов, жазони ижро этиш, суд, суд ижро органлари ва бошқа ушбу масалага масъул идоралар фаолиятидаги хато ва камчиликлар танқид остига олиниб, уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш, олдини олиш ва келажақда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилиш давомида, амнистия акти ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш, келгусида қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг тўла ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳамда унинг ижросига масъул бўлган идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув семинарларини ташкиллаштириб, ўтказиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Республика идоралараро йиғилиш натижаларига кўра, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини амнистия актини қўллаш борасидаги фаолиятга тайёрлаш, бу борадаги қонунбузилиш ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастури ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

Ифтихор

Қадр-қимматим, таянчим ва
ифтихоримсан, мустақил
Ўзбекистон!



Юрт фаровонлиги йўлида

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган 22 йил ичида асрга татиғулик ютуқларга эришди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилган кенг қамровли ислохотлар туфайли фуқароларнинг турмуш тарзи тубдан ўзгарди. Бу ислохотлар ўз навбатида прокуратура органлари олдиға улкан вазифаларни қўйди.

Рауф ЭШМИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурори

Олдимизга қўйилган масъулиятли вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бора-сида жорий йилнинг ўтган даврида талайгина ишлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди.

Прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини сақлаш, бандлигини таъминлаш орқали доимий даромад манбасини шакллантириш, қишлоқларни ободонлаштириш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши, тадбиркорлик ва инвестицион мўтадил муҳитни яратиш мақсадида қонун ҳужжатлари билан белгиланган имтиёз ва преференциялардан тадбиркорларнинг амалда фойдаланишларига шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини амалда руёбга чиқариш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишни ташкиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилди.

Қонунлар ижроси устидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра 6,8 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Прокурорларнинг қарор ва тақдимномалари муҳокамасига кўра, 3804 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Нотуноний ҳужжатлар 664 та протестлар орқали қонунга мувофиқлаштирилди, профилактик тадбирлар доирасида 619 нафар шахсга расмий оғохлантирувлар эълон қилинди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 192 та жиноят иши қўзғатилиб, 1602 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Аниқланган моддий зарарнинг 6 млрд. 988 млн. сўми айбдор шахслар ҳисобидан ундирилди, судларга 5,7 млрд. сўмлик 1904 та аризалар киритилди.

Ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра 7 та тақдимнома киритилиб, 29 нафар шахс интизомий, 14 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Бу борадаги назорат тадбирлари давомида жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиши таъминланди. Жумладан, Узун туман электр тармоқлари корхонаси назоратчиси О.Бўронов фуқаро А.Ғозиевдан фойдаланилган электр энергияси учун ҳисобланган тўловларни корхонада мавжуд компьютер хотирасидан ўчириш эвазига 150 минг сўм талаб қилиб, ушбу пулни олаётган вақтида ушланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 214-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва жазо муқаррарлиғи таъминланди.

[Давоми 4-бетда]

Яккабоғ туман прокуратураси томонидан туманда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашни тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашни самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда шу соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиши ўрганилди.

Ғишт заводи тутқунлари

Аникланишича, мазкур қонун ҳужжатлари асосида вилоят ҳокими-нинг 2008 йил 14 июлдаги қарорига асосан, 2008 йил 31 июлда туман ҳокимининг қарори қабул қилиниб, одам савдосига қарши курашни самарадорлигини ошириш юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгиланган ҳамда дастурий режалар ишлаб чиқилган.

2008-2012 йиллар ва жорий йилнинг 6 ойи давомида туманда одам савдоси билан боғлиқ 21 та жиноят содир этилган бўлиб, мазкур жиноят ишлари бўйича 20 нафар шахс айбонлиб, судга берилган ва суднинг айблов ҳукми билан уларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Одам савдоси билан шуғулланиб, оғир жиноятга қўл урганлардан бири Ю.Улашов бўлиб, мазкур шахс Ўзбекистон фуқароси бўлган 26 нафар кишини Қозоғистонга олиб бориб, оғир шароитларда ишлашга мажбур этди.

Қозоғистон Республикасининг Жаркент туманидаги Памфелово овули. Бу ердаги ғишт заводиди ишлар юришиб кетган. Афтидан завод эгаси Аҳмад Нурахметов ҳам, иш юритувчи Марат ҳам мамнун кўринадилар. Чунки, Ўзбекистондан келган фуқаролар эрталабдан кечгача жонларини жабборга бериб меҳнат қиляптилар. Уларни олиб келган Юлдош Улашовнинг ўзи "сен бригадирсан", деб қўйганларидан мамнун бўлиб, иш сифатини назорат қилиб юрибди.

Мазкур шахснинг ўзи дастлаб узок йиллар давомида Қозоғистоннинг турли туманларида, ҳар хил қурилишларда ишлаб юрди. Ўғли Сарвар ҳам унга шерик эди. Нихоят уларнинг йўли ушбу овулга тушди. Аҳмад ва Марат билан танишиб, шу ердаги ғишт заводиди ишлаб бошладилар.

Судда Ю.Улашовнинг кўрсатув беришича, ота-ўғил ўша йилнинг охирида ўз юртига — Қамаш туманига қайтаётганларида ғишт заводининг раҳбари Аҳмад Нурахметов ёзи мавсумда заводда ишлаш учун кўпроқ ишчи кучи кераклигини айтади. 2008 йил март ойининг бошларида эса қозоғистонлик Маратнинг ишчи йиғиб кетиш ниятида Қарши шахрига келганлиги ҳақида гап тарқалди. Маратнинг бу борадаги топшириғи ёдига тушган ота-ўғил ишга жиддий киришадилар. Сарвар Яккабоғ туманига бориб, Алқайлак қишлоғида яшовчи таниши Илбс Тожиев билан биргаликда "ишчи кучи йиғиш"ни бошлаб юборади. Улар томонидан бу қишлоқ бекорга танланмаган эди. Бу ерлик йиғитларнинг қўпчилиги бундан олдин ҳам улар билан бирга Қозоғистоннинг турли ҳудудларида ишлаган эдилар. Нихоят 2008 йил 13 март кuni Б.Набиев, Ж.Мирзаев, Р.Юсупов, Х.Азимов, А.Бозоров ва бошқа йиғитлардан иборат тўда ҳамда тергов даврида аниқлаш имкони бўлмаган яна 3 нафар фуқаро биргаликда йўлга тушадилар.

Музаффар ҲАСАНОВ,

Яккабоғ туман прокурори ёрдамчиси

Уларга ҳойида 300-400 АҚШ доллари ҳисобида иш ҳақи ваъда қилинади.

Сарвар билан Илбс 26 нафар ишчини Қарши шахрига олиб келиб, Маратнинг қўлига топширган эди. Керакли манзилга етиб борганларидан кейин уларнинг паспортлари рухсатнома тайёрлаб бериш баҳонасида олиб қўйлади.

Ҳозирги замонда шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган кишининг бир макондан бошқасига ўтиши қийин. Хусусан, хориж мамлакатларида паспортсиз юрган киши дарҳол қўлга олиниши ва токи унинг шахси аниқланмагунча қузатувда бўлиши ҳам маълум. Паспортларини Маратнинг қўлига топширганлар ҳам энди ғишт заводининг тутқунлари бўлиб қолган эдилар. Бу жойдан бир қадам бўлсин четга чиқиб, эркин юриш имкониятига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳаёт тарзи фақат меҳнат қилиш ва оғир меҳнатдан эзилган танларига бир озгина бўлсада ўхшаб ором беришдан иборат эди. Бошқа бирор-бир ҳақ-ҳуқуққа эга эмасди улар.

Хуллас, ғишт заводи тутқунлари битта-иккита бўлиб, турли йўллар билан Ўзбекистонга қайта бошлайдилар. "Бригадир"нинг ўзи ҳам танг аҳволда қолиб, 2013 йил 3 март кuni фуқаролик паспортсиз ғишт заводи ҳудудидан қочиб чиқишга муваффақ бўлади ва юк ташувчи сифатида чегарадан ўтиб, Ўзбекистон Республикасига қонунга ҳилоф тарзда кириб келади.

Судланувчи Ю.Улашовнинг айби ўзи икромлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, судда сўроқ қилинган фуқаровий даъвогарлар ҳамда гувоҳларнинг сўзлари, жиноят ишлари бўйича тўпланган ёзма далиллар билан ҳам исботланди.

Шу ўринда фуқаровий даъвогар Бобожон Набиевнинг судда айтган қалб нидоларидан қуйидаги парчага айнан келтириш ўринли бўлади: "...Эрталаб соат 6 дан турғизиб, кеч соат 20:00 гача ишлатишди. Бир-икки ой ўтгандан кейин уйга жўнатиш учун пул сўрадик. Шунда бизни бир жойга йиғиб, милиция кишинидаги ходимларни чақириб, "Агар яна иш ҳақларининг сўрасанглар, милицияга бериб юборамиз", деб қўқитишди. Беш ой меҳнат қилиб, иш ҳақимизни ололмадик".

Судда фуқаровий даъвогарлардан Жўрақобил Мирзаев, Ҳусниддин Азимов, Алишер Бозоров, Даврон Эргашев ва бошқалар ҳам даъвогар Б.Набиевнинг изоҳига ўхшаш кўргазма берди-ларки, бу юқоридаги ҳолатни тўла тасдиқлайди.

Ўз ҳамюртларини алдаб, ишончига кириб, уларни қўл қилиб ишлатган Юлдош Улашов қилмиши учун одил суд олдида жавоб берди. Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман суди Юлдош Улашовга нисбатан қонун доирасида одилона жазо тайинлади.

Мароқли ҳордик ҳам — тарбия

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликка вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида кўплаб ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд вилоят аҳолисининг 42 фоизини вояга етмаганлар ташкил этиб, улар 1 млн. 400 минг 284 нафардир. Вилоятдаги 38 та спорт мактабларида 44 минг 686 нафар, 32 та болалар ва ўсмирлар мусика ва санъат мактабларида 4 минг 116 нафар ҳамда 17 та "Баркамол авлод" болалар марказларида 8 минг 160 нафар вояга етмаганлар жалб этилган.

Вилоятда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, бағоятлаб етмаганларни турли салбий оқимлар ва тасвирлардан сақлаш, мақсадида маданий ва маърифий тадбирлар доимий

равишда ўтказиб келинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанд туманидаги "Алпомиш" оромгоҳида ўтказилди. Унда ички ишлар идоралари ҳисобида турувчи вояга етмаганлар ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари иштирок этишди. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, вилоят прокуратураси, "Камолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга 120 нафардан зиёд болалар жалб этилиб, улар билан тарбиявий ва маданий-кўнгилочар учрашув-

Шерзод МАҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

лар ва ўйинлар ўтказилди. Бу ерда шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавий тарғиботчилари билан "Ота-онага ҳурмат — олий ҳиммат", "Билим ва касб-хунар — фарзанд камолоти гарови", "Гийҳвандлик — аср вабоси", "Халқаро терроризм — инсоният душмани", "Мен ва менинг оилам", "Менинг келажакдаги касбим" каби мавзуларда давра сўхбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Халқаро спорт мусобақалари ва чемпионатлар совриндорлари, фан олимпиадалари ғолиблари билан учрашувлар ҳам болаларда катта таассурот қолдириб, уларга нисбатан ҳавас уйғотди.

Юрт бедарвоза эмас

Мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари рекламаси мутлақо тақиқланган бўлиб, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган нуқталарда, жамоат жойларида ҳамда жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотлари истеъмоли ман қилинган.

Шунингдек, уни 20 ёшга тўлмаганларга сотиш мумкин эмас. Тамаки сотувчи савдо объектлари таълим, спорт ва диний муассасалардан камиди 500 метр узоқликда жойлаштириш зарурлиги ҳам республикаимизнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Давлатимиз ёшларининг тамаки истеъмоли қилишнинг олдини олишга қарши мана шундай кенг қўламдаги ишларни олиб бораётган паллада, айрим юртдошларимиз республикаимиз ҳудудида хориждан ноконуний тарзда тамаки маҳсулотлари олиб киришга уринмоқдалар.

Фуқаро Шерзод Равшанов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўтган йилнинг май ойида БАА давлатига бориб, у ердан 11 млн. 850

Алишер МУХТОРОВ,
Сергели туман прокуратураси катта терговчиси

минг сўмлик 1500 қўти "Parlament super slim" номли тамаки маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз республикаимиз ҳудудида олиб келади. Ташкент халқаро аэропортида Ш.Равшановга тегишли бўлган юқлар божхона назоратидан ўтказилганда, унга тегишли бўлган божхона декларациясида ушбу тамаки маҳсулотлари кўрсатилмаганлиги аниқланди. Тергов жараёнида Ш.Равшанов ушбу тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириб, қонунга ҳилоф равишда муомалага киритмоқчи бўлганлиги фой этилиб, маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ишни атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди Ш.Равшановга нисбатан ҳукм чиқарди. Унга кўра, қонунбузар энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдоридаги жарима жазосига тортилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, юрт бедарвоза эмаслиги яна бир бор ўз исботини топди. Қолаверса, республикаимизда қонунларимизни четлаб ўтишга ҳаракат қилган шахсларга нисбатан жазо муқаррардир.

Сўнгги йилларда пойтахтимиз аҳолисига кўрсатилётган транспорт хизмати сифати яхшиланиб, йўналишлар тармоғи оптимallasштирилди. Йўналишлар масофасининг узоқлиги ва йўл ҳақи учун тўловнинг арзонлиги бўйича автобуслар ҳамон энг қўл фойдаланиладиган жамоат транспорти бўлиб қолмоқда. Зеро, бугун йш ушбу транспорт воситаларида шахримизнинг исталган манзилга боришимиз мумкин.

Бугун шахримиз бўйлаб ўнлаб йўналишларда "Мерседес-Бенц" ва "Исусу" русумли қўлай ва шинам автобусларнинг қатнаётганлиги йўловчиларга катта қўлайликлар яратмоқда. Афсуски, бу соҳада мансаб ваколатини суиистеъмоли қилган ҳолда жиноят қўчасига кирганлар ҳам учраб турибди.

Пойтахтимиздаги "2-автобус саройи" очик акциядорлик жамияти бошқаруви расиси бўлган Фарҳод Фаттоҳов ушбу қорхонага раҳбарлик қилган даврда жамият фаолиятини ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ўрнига, жамият ҳисоб рақамидаги мабла-

Ўзлаштирилган миллионлар

Анвар ҒОҒУРОВ,

СВОХЖДКҚ

департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

ларни шахсий манфаати йўлида ўзлаштириб, талон-торож қилиб юборган. У 2010 йилнинг 18 мартдан 9 ноябрга қадар жамият эҳтиёжлари учун турли маҳсулотлар харид қилиш мақсадида "Адмикс" МЧЖ, "Брони максимум сервис" МЧЖ, "Газ ворк груп" МЧЖ каби ўндан ортик МЧЖлар билан сохта шартномалар тузди ва уларнинг ҳисоб рақамига қорхонанинг 1 млрд. 459 млн. 171 минг сўмдан ортик маблағини ўтказиб беради. Амалда эса пул ўтказиб берилган ушбу жамиятлардан "2-автобус саройи" ОАЖга ҳеч нарса олиб келинмади. Турли товар-моддий бойликлар етказиб берилганлиги ҳақида эса "ими-жими"да расмийлаштириб қўйилди. Ҳисоб рақамларга ўтказилган пуллар нақдлаштирилиб, Ф.Фаттоҳов томонидан талон-торож қилинади.

Ф.Фаттоҳовга шунча маблағ камлик қилган шекилли,

у яна юқоридаги усул билан миллионларни қўлга кириштишга ҳаракат қилади. Бу ишни амалга оширишда аввало бозор нархларини ўрганиб, шу асосда тендер танловлари ўтказиш ўрнига маҳсулотсиз операциялардан нақдлаштирилган пуллар орқали номалум шахслардан эҳтиёт қисмлар сотиб олишни ўзига фойдали, деб билди. Натжидада ОАЖнинг яна 457 млн. 33 минг сўмдан ортик маблағи раҳбар фойдасига талон-торож бўлиб кетди.

Жиноят жазосиз қолмади. Ишни атрофлича кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман суди Ф.Фаттоҳовга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Тадбиркорлар ҳуқуқи ҳимояланган

Истиқлол туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бу эса фикри теран, қўли гул, меҳнаткаш юртдошларимизни ижодкорликка ундади. Кенг имкониятлар фаровон турмуш сари бошлади. Бугунги турмушимизни йиғирма икки йил аввалги ҳаётимиз билан таққосласак, ҳаётнинг барча жабҳаларида осмон билан ерча фарқни кўрамиз. Энциклопедия аксарият юртдошларимиз тўқин, обод турмуш кечирмоқдалар.

Азалдан тадбирли эл фарзандлари сифатида довруғ қозонган Хоразм воҳаси аҳолиси ҳам истиқлол имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Бугунги кунда вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари 10642 тани ташкил қилади.

Улар фаолияти таҳлил қилинганда, 10642 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 10112 таси тўла фаолият кўрсатаётганини аниқлади. Турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётган 530 та субъектда олиб берилган тадбиркорлар туфайли 161 тасининг фаолияти қайта тикланиб, 343 та янги иш ўринлари яратилди. Хусусан, вилоят прокуратурасининг фармойишига асосан Урганч шаҳри ва барча туманлар ҳокимликларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари вакиллари ҳамда келгусида бу фаолият билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар билан учрашувлар ўтказувчи тарғибот гуруҳлари фаолият олиб бормоқда. Учрашувларда тадбиркорларнинг муносабатларини жойида ҳал этиш, қўшимча текширишни талаб қиладиган муносабатларни тегишли тартибда қисқа муддатларда қўриб чиқиш тизими йўлга қўйилган. Жумладан, вилоят прокуратураси маҳкамаси, туман ва шаҳар прокурорлари томонидан жорий йилнинг 6 ойида тадбиркорлик субъектлари билан 248 та учрашувлар ўтказилиб, ушбу учрашувларда ҳам 8404 нафар, шундан 4762 нафар хусусий тадбиркорлар, 3642 нафар фермерлар иштирок этганлар. 1796 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб,

42 нафарининг рухсатнома бериш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалалари ҳал қилинди. 12 нафар тадбиркорга 202 млн. сўм кредит маблағи, 52 нафарига 35,7 гектар ер майдони ажратилиши таъминланди.

Республика Бош прокуратурасининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кўчатириш тўғрисида"ги 87-сонли ҳамда 2011 йил 10 ноябрдаги 94-сонли буйруғи талаблари асосида назорат фаолияти ташкил этилган бўлиб, бу борада назорат-текширув ва бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорларнинг асослилиги ҳар ўн кунда ўрганиб боришмоқда.

Ўтказилаётган назорат тадбирларида асосий эътибор тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган тўсиқларни аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилмоқда. Прокурорларнинг аралашуви билан 243 нафар тадбиркорнинг турли муаммолари ҳал этилишида қонуний ёрдам берилган. Вилоят, шаҳар ва туман прокуратураларида ташкил этилган "007" рақамли ишонч телефонларига келиб тушган муносабатлар юзасидан ўз вақтида текширишлар ўтказилиб келинмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят, шаҳар ва туман прокуратураларида ташкил этилган ишонч телефонларига жами 156 та муносабат келиб тушган бўлиб, 115 таси ҳал этилган ва 97 таси асосли деб топилиб,

қаноатлантирилган. Хусусан, Хазорасп туманидаги "Шохрўх Дилнурса савдо сервис" МЧЖ раҳбари О.Мадаминованинг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириб, янги иш ўринлари ташкил этиш учун банкдан кредит олишда амалий ёрдам беришни сўраб ишонч телефонига қилган мурожаати қўриб чиқилиб, вилоят прокуратурасининг аралашуви билан МЧЖга Давлат-тижорат «Халқ банки» Питнак филиали томонидан 100 млн. сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Шовот тумани "Ижтимоият" қишлоғида жойлашган "Хоразм шиша идишлари" МЧЖ раҳбари С.Содиқов вилоят прокуратурасининг ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, ушбу жамиятда 2011 йилнинг март ойида реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилганини, шиша идишлари ишлаб чиқариш учун электр энергияси зарур бўлганини учун 2011 йил 1 майда "Хоразм электр тармоқлари" ОАЖ билан трансформаторларга хизмат кўрсатиш ва электр тармоғига улаштириш бўйича шартнома тузиб, 18 майда тўлов топшириқномасига асосан 975 минг 243 сўм ўтказиб берилган бўлишига қарамай, шартнома талаблари шу кунга қадар бажарилмаганини ҳамда ОАЖга қилган мурожаатлари жавобсиз қолаётганини билдириб, мазкур масала юзасидан ёрдам сўраган. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан жамият ҳамда "Хоразм электр тармоқлари" ОАЖ ўртасида юзасига келган муаммоларнинг бартараф этилиши, жамиятдаги мавжуд электр ускуналари лаборатория текширувидан ўтказилиб, тегишли ҳулосалар берилган ва муаллифнинг талаби қаноатлантирилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Бош прокуратура ҳамда вилоят прокуратурасининг 2013 йилнинг 1-ярим йиллик иш режалари

юзасидан хорижий инвесторларни жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига алоҳида эътибор қаратган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органларида текширишлар ўтказилди.

Ҳокимликлар томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳудудий дастурларнинг бажарилиши, қарорлар қабул қилинишида ҳамда мурожаатларнинг қўриб чиқилишида айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, Урганч шаҳар ҳокимлиги томонидан юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги қарорларнинг қабул қилишда қонун талабларига риоя этилмаган. Хусусан, шаҳар ҳокимининг 2012 йил 13 январдаги "Фуқаро Ш.Маткаримовга Урганч шаҳар, Ал Хоразмий кўчаси реконструкция қилиниши муносабати билан шаҳарнинг тасдиқланган бош режасига мувофиқ бузиб олинган уйлар ўрнидан уч қаватли, биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасига мўлжалланган турар жой биноси қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида"ги қарори шаҳар ДСЭНМ, шаҳар ИИБ ЁХБлари ҳулосалари олинмасдан қабул қилинган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатларига шаҳар ҳокими томонидан яна 54 та қарорларнинг қабул қилишда ҳам йўл қўйилган. Шунингдек, шаҳар ҳокими томонидан турар жойларни нотураж жой тоифасига ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишида ҳам 8 та ҳолатда Вазиран Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори талаблари бузилган.

Урганч туман ҳокимлиги фаолиятида ҳам юқорида қайд этилган қонунбузилиш ҳолат-

Шухрат ХИКМАТОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Huquq»

лари билан бирга, айрим қарорларни қабул қилишда фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эгалланган ноқонуний қурилишлар бўйича эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, туман ҳокимининг 2012 йил 31 мартдаги "Урганч тумани, "Фойбу" қишлоғи ҳудудига жойлашган "Урганч савдо" ОАЖга тегишли 8-сонли дўкон биноси эгаллаган ер майдонларини фуқаро Т.Абдиязовга доимий фойдаланиш учун бериш, бино ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини белгилаш, давлат рўйхатидаги ўтказиш ҳақида"ги қарори қабул қилинган. "Урганч савдо" ОАЖ тегишли 8-сонли дўкон биносининг умумий ер майдони 50,90 м² бўлишига қарамадан, Т.Абдиязов томонидан ўзбошимчилик билан эгалланган 150,40 м² ер майдонига ҳамда ушбу ер майдонига дўкон биносига ноқонуний равишда 80,67 м² қурилган қўшимча қурилишга эгалик ҳуқуқи белгиланиб, ер майдони доимий фойдаланиш учун берилган.

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 5 та ноқонуний қарорларни бекор қилиш ҳақида протестлар келтирилган, аниқланган қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 11 та тақдирнома киритилган. Прокурорларнинг қарор ва тақдирномасига асосан 21 нафар шахс интизомий, 3 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилиб, 5 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш долзарб масала

Давлатимиз томонидан қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи саналган пахтачиликни ривожлантиришга бўлган эътибор йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бободоҳўналаниш бундай эътиборга жавобан жорий йилда ҳам пахтадан мўл-ҳосил еттиштириш учун бутун имкониятларини ишга солимоқдалар. Ҳадемай далаларда етилган ҳосилни йиғиб-териб олиш мавсуми қизғин бошланади. Жойларда мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмақда.

Албатта, пахта ҳосилдорлиги бўлган зараркунанда ҳашаротлар ва турли касалликлардан ҳимоя қилиш масаласига бевоқиф бўлиб, бу соҳани ривожлантиришга доир қонунчилик ижроси прокуратура органларининг доимий назоратида олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 февралдаги "2013 йилда пахта еттиштиришнинг прогноз ҳақлари ва бўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Ёзу майдонларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, кимёвий ва биологик воситалар ҳамда препаратлардан фойдаланиш самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин шунга қарамай, айрим туманларда зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш ишлари кўнгилдагидек ташкил этилмаганди. Хусусан, мазкур йўналишда ўтказилган мониторингларда Фарғона вилотида 12 900 гектар, Наманганда 6000 ва Андижонда 3 350 гектар бўлган майдонда касаллик ва зараркунандалар тарқалганини аниқланган. Масалан, Хўжаобод туманидаги "Фодур хож" фермер ҳўжалигининг 7 гектар, "Фарзанд ризқи Комилжон"

фермер ҳўжалигининг 6 гектар, "Дибрбек давомчиси" фермер ҳўжалигининг 2 гектар, "Жаҳонгир даласи", "Нурмат Олтин толаси", "Озод", "Хуррият Файзли боғи" фермер ҳўжалиklarининг эса 1 гектардан бўлган майдонлари ўргимчакка ва кўсак кўрти билан зарарланганлиги аниқланиб, ушбу ҳўжалик раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу каби қонунбузилиш ҳолатлари Андижон, Пахтаобод, Норин, Тўрақўрғон, Чортоқ, Ўзбекистон, Учкўприк, Бешарик, Кува, Фарғона ва Риштон туманларида ҳам аниқланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Бундан ташқари, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш тадбирларини лозим даражада ташкил қилмасдан, биомасхулотларни етказиб бериш чораларини кўрмай, бўза майдонига ўргимчакка ва кўсак кўрти зараркунандалари тарқалишига йўл қўйган Норин, Чортоқ ҳамда Тўрақўрғон туманлари ҳўжмалари фермер ҳўжалиklarига етказилган 1,9 млн. сўмлик зарарни ихтиёр қоплаганди.

Бу ишда ҳудудий ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё ҳорхоналари ҳамда биологиклариялар раҳбарларидан алоҳида масъулият талаб этилади.

Бироқ айрим жойларда масъулиятсизлик оқибатида зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Жумладан, Фарғона вилоти ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази директори М.Ходжаев бўза зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш, фермер ҳўжалиklarини кимёвий ва биологик воситалар билан таъминлаш чораларини кўрмаганлиги оқибатида вилотда 12 900 гектар бўлган майдонига зараркунанда ва касалликлар тарқалганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилди. Ҳудди шу каби Ўзбекистон туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди директори Ф.Мелибоев интизомий, Учкўприк, Бешарик ва Кува туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди раҳбарлари, Учкўприк туманидаги "НТ Бегобод Ҳамза", "ЮМ Чорбоғ", "Экология яхши ният" биологиклариялари раҳбарларининг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Айрим туманларда биологиклариялар томонидан биомасхулотларни ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмаганлиги оқибатида фермер ҳўжалиklarига биомасхулотлар етказиб беришда танқисликлар вужудга келган. Биргина Марҳамат туманидаги "Тўлкиний Машвал Юлдузи" биологиклариясида "бракон" биомасхулотини қўлайтириш топшириғи 93,4 фоизга, "Азамат Сотиболдиев" биологиклариясида 93,8 фоизга, "Ҳамкор Грант" биологиклариясида 95,7 фоизга бажарилгани оқибатида фермерлар биомасхулотлар билан тўла таъминланмаган. Мазкур ҳолат

Акрам ЭРКАЕВ,

Бош прокуратура бўлим катта прокурори

юзасидан туман ҳокими номига қонунбузилиш, уни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдирнома киритилди.

Энг ачинарлиси, агроном-энтимолог, дала назоратчилари ва биомасхулот тарқатувчиларга иш ҳақлари тўлиниши таъминланмаган. Масалан, 120 нафар агроном-энтимолог, 457 нафар дала назоратчилари ва 2 678 нафар биомасхулот тарқатувчиларига 573 млн. сўмлик иш ҳақларини тўлаш чораларини кўрмаганлиги учун Наманган вилоти "Пахтасаннат" бирлашмаси раисининг ўринбосари Ф.Даминов маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, Бўз туманидаги "Абдорбек Нуриддинов" хусусий биологиклария ишчи ва ходимларига 900 минг сўмлик иш ҳақини тўламаганлиги учун биологиклария раҳбари Э.Маҳмадов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 47 та тақдирнома киритилиб, 240 нафар мансабдор шахс қонунбузилишга йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 197 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Судларга 900 минг сўмлик 6 та даъво аризаси киритилиб, фермер ҳўжалиklarига етказилган 12,5 млн. сўмлик зарар ихтиёр равишда ундирилди.

Юрт фаровонлиги йўлида



/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Ўзбек модели"нинг йўналишларидан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимоя тамойилини амалда қўллаш учун масъул бўлган шахсларнинг ўзига ишониб топширилган бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳоллари аниқланиб, тегишли муносабат билдириб келинмоқда. Хусусан, Бойсун туман тиббиёт бирлашмасига қарашли тиббий меҳнат экспертиза комиссияси раиси Х.Рамазонова ва комиссия аъзолари Қизилқум туманидаги ҳам-касблари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, тумандаги 16 ёшгача бўлган болаларни ногиронликка чиқаришда уларнинг тиббий ҳужжатларига сохта ёзувлар киритиб, қалбаки ҳулосалар бериб, 11 млн. 647 минг сўмлик бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганлиги аниқланиб, ва айбдорларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 150 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Аҳоли фаровонлигини мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири бўлди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, тадбиркорлар билан ҳар ойда 2 маротаба учрашувлар ўтказиб бориш амалиёти давом эттирилди. Шунингдек, 20 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари аниқланиб, бартараф этилди. 39 нафар тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ва уларга турли соҳаларда ёрдамлар кўрсатилиб, 18 нафарига 589,2 млн. сўмлик кредитлар, 1 нафарига 30 гектар ер майдонлари олиб берилиши ва бошқа амалий ёрдамлар кўрсатилиши натижасида 104 та янги иш

ўринлари ташкил этилди. Олиб борилган амалий ишлар натижасига кўра, ўтган йилларда фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларидан 1666 тасининг фаолияти тикланиши таъминланди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Денов туманида фаолият юритиб келаётган "Истиқбол" хусусий корхонасининг фойдасига 26,4 млн. сўмни Денов туман йўл ҳўжалиги пудрат ва таъмирлаш давлат корхонаси ҳисобидан ундириш юзасидан вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилиб, қаноатлантирилган.

Назорат-текширув идоралари масъул мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатларига кескин чоралар қўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 27 та тақдимнома киритилди, гайриқонуний ҳужжатларга нисбатан 30 та протест келтирилди, 32 нафар шахсга нисбатан интизомий, 4 нафарига маъмурий ишлар кўзгатилди, жиддий қонунбузилиш ҳолатларини юзасидан 3 та жиноят иши кўзгатилиб, 137 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Вилоятда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан биринчи ярим йилликда жами 32970 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 35165 та иш ўринлари яратилиб, режа 106,6 фоизга уфдаланди.

Бандлик дастурига асосан бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан 15547 нафар фуқаро иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган бўлиб, улардан 14569 нафари ишга жойлаштирилган, қолган 978 нафари ишсиз деб эътироф этилиб, шундан 100 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. 224 нафари касбга ўқитиш учун юборилган ва 656 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

Бироқ текширишларда бу борада ҳам айрим қўзғабунчиликларга йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Масалан, Сарийосиё туман бандликка

қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари томонидан берилган ҳисоботларда 1211 нафар фуқаронинг ишга жойлаштирилганлиги кўрсатилган бўлса-да, ҳақиқатда 1052 нафари ишга жойлаштирилиб, бу борадаги ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги ҳамда бошқа қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, тақдимнома киритилган.

Бу борада ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра 400 га яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, судларга 92593,0 минг сўмлик 271 та даъво аризалари киритилган, 121 нафар шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда асосий эътибор қишлоқ ҳўжалиги ерларидан мақсадли фойдаланиш ва шартнома интизомига риоя этилишига қаратилиб, вилоятда давлатга пилла ва галла сотиш шартномаларининг ортиғи билан бажарилишига эришилди. Пахта хомашёсини етиштириш бўйича агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилган. Чунончи, ер майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларнинг талон-торож қилиниши ва мақсадсиз ишлатилишининг олдини олиш борасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан кескин чоралар қўрилмоқда.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунларга риоя этилиши устидан дои-

мий назорат олиб борилмоқда. Бу борадаги назорат тадбирлари давомида 1800 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўллаш орқали қонунбузилишлар бартараф этилиб, 185 нафар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Бунда асосий эътибор 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги босқичларига тўлиқ жалб қилиниши, коллеж битирувчиларининг бандлигини, уларнинг тадбиркорлик билан шўғулланиши учун берилган имконият ва шартлардан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлашга қаратилмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти тўғрисида самарали мувофиқлаштирилганлиги ҳамда улар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида вилоят ҳудудида ижтимоий-сиёсий ва криминал ген вазиятнинг барқарорлиги таъминланди.

Судларда фуқаролик, жиноий ишлар қўрилишида, ҳўжалик судларида ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш соҳаларида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жиноят ишлари бўйича давлат айбловини қувватлашда 100 фоизлик кўрсаткичга эришилиб, апелляция ва кассация протестлари самарадорлиги ҳам 100 фоизни ташкил этди. Бу даврда асосий протест келтириш ҳолатларига йўл қўйилмади. Фуқаролик ишлари бўйича судларда қўрилган 4342 та ишларнинг 2838 тасида ёки 65,3 фоизда прокурор иштироки таъминланди.

Судларда қиритилган аризаларнинг 2 млрд. 75 млн. 494 минг сўмлик 1502 таси қўрилиб, қаноатлантирилган ва шундан 1 млрд. 695 млн. сўми ёки 81,6 фоиз ҳақиқатда ундирилган. Вилоят ҳўжалик суди 1-босқичда қўрилган 2277 та ҳўжалик низоларининг 2252 таси ёки 98,9 фоизда прокурор иштироки таъминланди. Бу йўналишда апелляция протести самарадорлиги 95,2 фоизни ташкил қилган бўлса, кассация протести келтириш самарадорлиги 72,4 фоизни ташкил этди.

Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати сезиларли даражада кучайтирилиб, ўтказилган 48 та текширишлар натижасига кўра 468 та прокурор назора-

ти ҳужжатлари қўлланилди. Ўтказилган текширишлар натижасида солиқ идоралари ходимлари томонидан 2 та жиноятни яшириш ҳолатлари аниқланди.

Фуқароларни қабул қилиш ва муурожаатларни қонуний ҳал этишга доимий эътибор қаратилиб, "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳокимликлар, суд ижро Департаменти ҳамда ички ишлар органларида текширилиб, муурожаатларга эътиборсиз бўлган 33 нафар масъул шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, тадбир якунлари идоралараро ййгилишда қўриб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди ва 8 ой мобайнида 5000 нафардан зиёд фуқаролар қабул қилинди. Прокуратура органларига келиб тушган аризаларнинг 1519 таси бевосита прокуратура органларида текширилиб, ҳал қилинди.

Қонунчиликни таъминлаш тириш ва ҳуқуқ тарғиботи ҳамда прокуратура органлари фаолиятига ошкоралик бериш масалаларига алоҳида эътибор берилган ҳолда 5242 та, шу жумладан, 1323 та оммавий ахборот воситаларида тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Қадрлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, уларнинг масъулиятини ошириш, ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ходимларнинг билим, касб маҳоратини оширишга доир зарур чора-тадбирлар қўриб борилди.

Вилоятда қонунчилик ва барқарорликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашни ташкил этиш, иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ривожланишидаги тўсиқларни энгиб бориш, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни ҳимоялаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий-ташқилий таъминлашга оид Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш борасида вилоят прокуратураси органлари томонидан назорат тадбирларини ўтказиш давом эттирилмоқда.



Саҳифаларда Сурхондарё вилояти



Эътибор ва самара

Мустиқликнинг йигирма икки йили давомида иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар айни лаврада ўзининг юксак самараларини кўрсатмоқда. Фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб берилгани, фермерлар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани ва рағбатлантириб бориладиган қишлоқларда турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омил бўлаяпти. Энг асосийси, соҳани боқичма-боқич ривожлантиришга хизмат қилаётган қонунчилик асослари яратилиб, деҳқонларимиз қонун берган ҳуқуқ ва имтиёзларидан самарали фойдаланмоқдалар.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири — қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга қаратилган қонунлар ҳамда норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ана шу мақсадда қабул қилинган эди. Ушбу фармонда республика прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб вазифалари аниқ белгилан берилди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Тегишкур ва мониторинглар айрим туманларда ердан самарали фойдаланиш чоралари кўриладигани, агротехника қондаларига амал қилинмаслиги, ер ажратишдаги суиестемолчиликлар, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. Жорий йилнинг 1-ярмида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 53 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 1352 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан фермер хўжалиқларига 60,8 млн. сўм дебитор қарзларни ўндиришда амалий ёрдам кўрсатилди, 84 гектар ер эгаларига қайтарил-

ди, 670,3 тонна минерал ўғит, 223 тонна нефть, 204,8 тонна чигит, 18 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 126 млн. сўмлик банк кредити, 131,2 млн. сўмлик иш ҳақлари, 82,1 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер ажратишда суиестемолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирлари натижасига кўра 371 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, туман ҳокимларининг ер ажратиш тўғрисидаги 45 та ноқонуний қарорларига нисбатан протест келтирилди, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида жойларга 26 та тақдимнома юборилди, прокурор қарори ва тақдимномаси бўйича 5 нафар мансабдор шахс интизомий, 180 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши кўзгатилди.

Сариосий туман прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирларида фуқаро Т.Қурбонов "Анушервон" боддорчилик фермер хўжалигига узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонининг 0,12 гектарини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, ошхона, молхона ва бошқа қўшимча бинолар қуриб фойдаланиб келаётганлиги аниқланди. Шунингдек, тумандаги боддорчиликка ихтисослашган "Шухрат Учқун олма боғи" фермер хўжалигининг боддан 0,33 гектар ерни фуқаролар Ў.Эшонқулов, Ш.Ибрагимов, Х.Ибрагимов, Н.Самадовлар ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, уй-жой ва бошқа иморатлар қурганлиги ҳам маълум бўлди. Хар икки ҳолат бўйича уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзгатилиб, ерларни фермер

Улғубек ҚОСИМОВ,
Сурхондарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

хўжалиқларига қайтариш ҳақида судга аризалар киритилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим мансабдор шахслари томонидан қонунга зид қарорлар қабул қилиниши оқибатида фермер хўжалиқларининг қонуний манфаатларига зарар етказилганлиги ҳолатлари ҳам учраб турибди. Жумладан, Ангор туман ҳокимининг қарори билан "Азиз Муҳаммад" фермер хўжалигига қарашли сугориладиган ер майдонидан 0,16 гектари туман ҳокимлиги захирасига олиниб, 2011 йил 17 октябрь кунги 1104-сонли қарор билан "Юлмева Юлдуз" масъулияти чекланган жамиятга "Авария чакирув ва тиббий ёрдам хизматлари ҳамда техник хизмат кўрсатиш пункти" қуриш учун ажратилган. Шунингдек, туман ҳокимининг тегишли қарорлари билан бир неча фермер хўжалигига 100 гектардан ошқ сугориладиган ер майдонлари дала шийони, пиллахона, иссиқхона ва қоровушона қуриш учун қонунга зид равишда ажратилган. Туман прокуратураси томонидан туман ҳокимининг юқорида қайд этилган қонунга зид қарорларига протест келтирилиб, фермерларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ўтказилган назорат тадбирларида фермер хўжалиқларининг ер майдонлари қонун талабларига зид равишда туман ҳокимлиги захирасига қайтарилиши ҳам аниқланди. Хусусан, Жаркўрғон туманидаги "Хайрулло" фермер хўжалигининг 61,7 гектар ер майдони туман ҳокимининг 2012 йил 13 июлдаги 352-сонли қарори билан қонун талабларига зид равишда фермер хўжалиги раҳбарининг ихтиёрий розилигисиз туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган. Мазкур қонунга зид қарор туман прокурорининг протестига асосан бекор қилинди.

Аграр сектор иқтисодиётининг асосий таянчи сифатида давлатимизнинг доимий диққат марказида турганлигини, бу тармоқда ҳам қонун устуворлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини ҳар доим ёдда тутишимиз даркор. Энг асосийси, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари зиммасидаги муҳим вазифалардандир.

Қонунлар ижроси назоратда

Реджаб АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мамлакатни ривожлантириш бўйича Президентимиз белгилаб берган бешта асосий тамойилдан биридир. Шунинг назарда тутилган ҳолда Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларга иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловлари, аҳолининг кам таъминланган қисмига ҳамда кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш аҳоли мунтазам ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доимий диққат марказимизда турибди.


Жорий йилнинг 5 июль ҳолатига "Ўзгромашсервис", "Ўзбек-энерго", "Ўзбекнефтегаз", "Ўзкимёсанот" ва "Ўздонмахсулот" тизимидаги корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларига жами 4 млрд. 184 млн. сўм маблағлар ҳисоб рақамларида маблағ йўқлиги сабабли тўланмасдан турилганлиги маълум бўлди. Бу борада ўтказилган текширишларда айрим корхоналарнинг раҳбар ва масъул ходимлари ўзларига оқлатилган хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан, биринчи даражада тўловлар учун ажратилган маблағларни ўз вақтида тўлаш чораларини кўрмаганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, Узун туман прокуратураси томонидан туман кўп тармокли марказий поликлиникасининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисоблашини ва тўланиши ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан 2010 йил 1 июлдан 2013 йил 1 апрелгача бўлган фаолияти ўрганилди. Бунинг натижасида поликлиника собиқ бош шифокорлари У.Эгамбердиев, М.Бекбобоев, ҳозирги бош шифокори С.Бобокулова, собиқ бош ҳисобчиси У.Шерматов ва ҳозирги бош ҳисобчиси Р.Раҳмонкуловлар томонидан 23 та ҳолатда 2 млн. 524 минг 753 сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар талон-торож қилинганлиги фош этилди ва айбдорларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилди.

Тумандаги мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган текширишда эса, жами 3 млн. 930 минг 457 сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ошқича ёзиб, талон-торож қилган мактабгача таълим муассасаларининг 19 нафар мудираси ва 11 нафар ҳисобчиларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатилган.

Бундан ташқари, Қизирқ туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонининг туман "Сувоқова" ишлаб қичариш ва сотиш унитар корхонасида ижро этилиши аҳоли таҳлил этилганда, корхона мансабдор шахслари томонидан жиддий қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, корхонанинг 2013 йил 1 март ҳолатига 955 млн. 606 минг сўмлик, шундан тўлов муддати ўтган 796 млн. 338 минг сўмлик дебиторлик қарздорлиги мавжуд бўлса-да, уни ўндириш чоралари кўрилмаган. Оқибатда шу кунга қадар 38 нафар ишчи ва ходимга 24 млн. 762 минг сўмлик иш ҳақлари тўланмасдан фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Музработ туман прокуратураси томонидан тумандаги "Гагарин" қишлоқ врачлик пунктида иш ҳақларининг тўғри ҳисобла-ниши ва ўз вақтида тўланиши юзасидан мониторинг ўтказилганда айрим қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аён бўлди. Жумладан, врачлик пункти молиявий менежери М.Давлатов туман тиббиёт бирлашмаси бўйруғига асосан вазифасидан озод қилинган Р.Туроповнинг пластик картотексига жами 2 млн. 803 минг 386 сўм пул маблағларини иш ҳақи сифатида ўтказиб, ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборган. Хар икки ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят ишлари кўзгатилиб, етказилган зарарлар тўлиқ қопланган ва жазо муқаррарлиги таъминланган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда ўтказилган текшириш ва таҳлиллар натижасига кўра қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 4 та тақдимнома киритилди. 63 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, судларга 183 млн. 748 минг сўмни ўндириш ҳақида 330 та ариза киритилди. 65 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасида 10 та жиноят иши кўзгатилди.



Фойдани кўзлаб, қонунни менсимаган

Тадбиркорлик билан шугулланишни ҳавас қилган ака-ука Аминжон ва Одилжон Қодировлар 2003 йили Фарғона туманидаги Чимён қишлоғи ҳудудига хусусий корхона ташкил этиб, унга "Фарангиз" дея ном қўйишди. Корхона раҳбарлигини ака, ҳисоб-китоб ишларини эса ука бажарадиган бўлади. Корхона ташкилотчиларининг дастлабки режалари асосан гўшт ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш эди. Лекин бу фаолият уларни қониқтирмади шекилли, кейинчалик бошқа серларомад "бизнес"ни мўлжалга олишди. Бунга қўлай шароит ҳам сабаб бўлган, десак хато бўлмас. Чунки, ўша корхона ҳудудига туташ жойда карьер мавжуд бўлиб, илгари унда тош-шағал қазиб олинган эди.

К олаверса, сўнгги йилларда қон ҳўжаси ҳолатга тушиб, кимларнингдир текин даромад манбаига айланган эди. Ана шу "қайноқ" манзара ака-укани бефарқ қолдирмади. 2007 йилда улар шағал қазиб олиш учун ер ажратиб олишга муваффақ бўлдилар. Шундан сўнг шағал қазिशга рухсатнома (лицензия) олишга ҳаракат қилиб, зарур ҳужжатларни тегишли идорага тақдим этишди. Бироқ икки-уч йил давомида ҳам рухсатномани қўлга кирита олмади. Лекин шу нарса аниқки, улар лицензиясиз фаолият юритиш қонунга хилоф эканлигини билганлари ҳолда, рухсатсиз 2011 йилдан шағал қазиб, уни қайта ишлаш, яъни чақилган, қирқма тош ва ювилган қум тайёрлаш, шунингдек, сотиш билан шугуллана бошладилар.

"Фарангиз" хусусий корхонаси бозори қаққон маҳсулот ишлаб чиқараётгани ҳақидаги овоза туман табиатни муҳофаза қилиш инспекциясига ҳам етиб борди. Инспекция томонидан мазкур корхона фаолияти ўрганилганда, гайриқонуний ҳолат ҳукм сураётганлиги аниқланиб, рухсатнома олингунга қадар шағал қазиб иш-

ларини тўхтатиб туриш ҳақида оғохлантириш берилди. Бироқ корхона мутасаддилари бу талабни писанд қилмай, фаолиятни давом эттираверишди. Бундай ўзбошимчиликка жавобан инспекция корхона раҳбари А.Қодировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 70-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдоридеда жарима жазоси тайинлади. Лекин корхона раҳбарига қўрилган бу чора қор қилмади...

2012 йил ноябрь ойида корхона фаолиятининг 2008-2011 йиллардаги, шунингдек, 2012 йилнинг 9 ойи бўйича ўтказилган ҳужжатли текшириш давомида солиққа оид қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, ДСИга тақдим этилган ҳисоботларда солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириш, уларнинг ҳажмини қайтариб қўрсатиш орқали умумбелгиланган тартибда эмас, балки ягона солиқ тури бўйича солиқ тўлаб келинганлиги натижасида давлат газнасига 94 млн. 520 минг 900 сўм миқдоридеда зарар келтирилгани ошқор бўлди.

Баҳодиржон ҚўЛДАШЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Фарғона туман бўлими бошлиғи

Тергов органи юқоридаги ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари асосида жиноят иши қўзғатиб, судга ҳавола этди.

Суд А.Қодиров ва О.Қодировларнинг қилмишларини муҳокама қилиб, уларни мансабдор шахс бўлганлари ҳолда, ўзaro жиноий тил бириктириб, жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланганликлари, шунингдек, Ер кодекси, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган Норузда фойдаланиш қазилмаларини ўз ичига олган ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тўғрисидаги Низом талабларига зид равишда фаолият юритиб, жиноят содир этганлиқда айбдор деб топди.

Суд уларнинг қўйилган айбга қисман иқдор ва пушаймонликлари, аввал судланмаганликлари, етказилган зарарнинг катта қисми қопланганлиги, содир этилган жиноят учна оғир бўлмаган жиноят туркумига кириши ҳолатларини эътиборга олиб, шунингдек, амнистия актини қўллаб, уларга нисбатан жазо тайинламасдан жазодан озод қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Айбдорларни афв этиш — уларни оқлаш дегани эмас, албатта. Бу келгусида тўғрилик, ҳалоллик йўлига тушиб олиш учун берилган имкониятдир.

Ҳаммаси Избосқан тумани ободонлаштириш бошқармаси ва тумандаги "Миллениум макс элгант" хусусий корхонаси ўртасидаги пудрат шартномасининг имзоланишдан бошланди. Унга қўра, тумандаги "Намуна" қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамадаги 78 километрни ташкил этувчи йўл ўрта таъмирлан чикарилиши керак эди. Аммо бошқарма бошлиғи Маъмуржон Маҳмамов ва "Миллениум макс элгант" хусусий корхонаси раҳбари Мухторжонларни нафс ўз қомига тортиди. Оқибатда ака-ука ўз мансаб ваколатларини сунистеъмол қилиб, жамият манфаатига жиддий зарар етказишди.

Қаловини топди-ю, жазосини олди

Гап шундаки, шартномада кўрсатилган ишларнинг 27 млн. 49 минг сўмлик қисми бажарилмай қолди кетди. Ака-уканинг ноқонуний келишувига қўра, ўрта таъмирлаш ишлари ниятсизга етказилмаган бўлса-да, улар бу ишни қозғода ниятсизга етказиб, таъмирлаш ишлари тўла бажарилганлиги ҳақида далолатнома тузишди.

— Қолганларнинг ҳам имзоси керак, — деди Мухторжон. — Нима қиламиз?

— Э, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, — деди унга жавобан акаси ва "қаловини" топди.

У "Намуна" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва бошқа бир неча шахсларнинг ўрнига ўзи ўхшатиб имзо қўйди ва тайёр бўлган ҳужжати туман ҳокимлигига тақдим этди. Бунга қараганки, аввал ҳам қонунбузарликка йўл қўйиб, бундан тегишли хулоса чиқариб олмаган туман ҳокимлиги бош меъмори, ҳокимликда ташкил этилган "Ҳўжаликларо ички автомо-биль йўллари ўрта таъмирлаш бўйича қабул комиссияси" аъзоси Мухаммадзоҳид Бакиров ҳам ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиб, таъмирланган йўл ҳолатини текшириб кўрмасдан, ака-ука тақдим этган қалбаки ҳужжатга имзо чекиб юборди. Шу тариқа автомобил йўли қозғода "тўла" таъмирланган чиқарилди. Жамият манфаатига етказилган салкам 28 млн. сўмлик зарар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади.

Бугина эмас, бошқарма бошлиғи аслида бошқармада ишламаган беш нафар ходимнинг ишлаганлигини кўрсатувчи далолатнома тузиб, уларга иш ҳақи ёзиб, жами 18 млн. 46 минг сўм маблағини тўлаб

Нодирбек ИСМОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Анджон вилоят бошқармаси
бўлими бошлиғи

юборилишига сабабчи бўлган. Бош ҳисобчи Одинахон Хамидова ҳам қалбаки далолатнома-ларга имзо чекиб, қонунбузарликка шерикчилик қилган. Шерикларнинг яна бири Анджон шаҳридаги "Нурли равои йўл" масъулияти чекланган жамият раиси Музаффаржон Қўзиёвдир. Туман ҳокимлигида тузилган "Ҳўжаликларо ички автомобиль йўллари ўрта таъмирлаш бўйича қабул комиссияси" аъзоси бўлган бу шахс ҳам бажарилган иш ҳажмларини тўлиқ текшириб кўрмасдан, шартномадаги ишларнинг тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги далолатномани имзолаб бераверган.

Ойини этак билан ёпиб бўлмаганидек, вақти келиб, бу қинғирликлар ошқор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Анджон туман судида бўлиб ўтган мажлисда мавжуд ҳолатга ойдиниқтирилди. Аввал ҳам жавабгарликка тортилиб, амнистия акти туфайли жазодан озод қилинган, лекин бундан тегишли хулоса чиқармаган Маъмуржон Маҳмамов ва унинг қонунбузар укаси Мухторжон, шунингдек, ака-уканинг ногорасига ўйнаган маъсул мансабдорларнинг кирдиркорлари фош этилди ва уларга қонуний ҳукм ўқилди.

Сўнгги сўз шуки, қаердаки ҳалоллик, виждон, инсоф ва диёнат унутилса, ўша ерда қонун бузилади. Шундай экан, вақтида қўзни очиб, ҳар бир ишда тўғри хулоса қилмоқ керак. Зеро, гишт қолипдан қўчиб бўлганидан кейин қилинган надоматдан, сўнгги пушаймондан асло наф йўқ.

Тадбиркорга кимлар ғов бўлмоқда?

Юртимизда тадбиркорликини жадал ривожлантиришни таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш масаласи энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларининг ҳал этилишида муҳим омили ҳисобланади.

Бугун тадбиркорлар нафақат иқтисодий ислохотлар жараёнида, балки мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти органлари ўз фаолиятида асосий эътиборни тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан бирга, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ, сунистеъмолчиликлар ҳамда коррупция ҳолатларига барҳам беришга қаратмоқда.

Шунга қарамайдан, шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўювчи айрим мансабдорлар томонидан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз тўсиқлар қўйилиб, моддий манфаатдор бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турганлиги ачинарлидир. Жумладан, кўп йиллардан буён Бахмал туман Давлат солиқ инспекциясида турли лавозимларда ишлаб келган Муроджон Абдиев ва Қодирбек Қозилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)лар олдиндан жиноий тил бириктириб, текшириш ҳақида буйруқ бўлмаса-да, солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган ту-

Тўлқинжон ПАРПИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг катта инспектори

мандаги хусусий фирмага тегишли бўлган ошхонага боришди-ю, назорат-касса машинасини олиб, ошхонанинг масъул ходимларига "келишиб ишлаш" кераклигини уқдиришди. Акс ҳолда, текшириш ўтказиб, жаримага тортишлари мумкинлигини ҳам писанда қилишди. Шунингдек, ошхона раҳбарлари уларга қистириб туришлари лозимлигини, шундагина уларда текшириш ўтказилмаслигини айтиб, дастлаб 50 минг сўмини пора тариқасида олишди.

Шу кундан бошлаб, уларнинг нафси ҳақалак отиб, ошхонага тез-тез келиб туришни одат қилишди. Ҳар сафар келишганда текшириш ўтказмаслик ва жаримага тортмаслик эвазига, турли мuddатларда пул маблағларини пора тариқасида олиб туришди.

Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Муроджон Абдиев жорий йилнинг 5 мартда ошхонага келиб, 200 минг сўмини пора тариқасида олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди. Суд ҳукми билан айбдорларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, эркин фаолият юритишлари учун тўсиқларни бартараф этиш, шубҳасиз юртимиз фаровонлигига хизмат қилади.

«Даллол» ўқитувчилар

Зафар НАСИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Кармана туман бўлими бошлиғи

Таълим муассасалари — муқаддас даргоҳ, ўқитувчилик эса шарафли касб бўлгани ҳолда, ушбу шарафли касбга қўшимча равишда "даллол"ликни ҳам касб қилиб олганлар йўқ эмас экан.

Навоий педагогика коллежидеда ўқитувчи лавозимида фаолият юритиб келган фуқаролар Нилуфара Олимова, Садоқат Нодирова ва Манзура Қодировалар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шундай устозлардан бўлиб чиқди.

Олдиндан ўзaro жиноий тил бириктирган уювчон фуқаро Л.Набиевнинг қизи Г.Одиловани Навоий тиббиёт коллежига ўқишга киритишни ваъда қилиб, унинг ишончига киришади ва 2012 йилнинг 8 август кунини 1100 АҚШ доллари ҳамда 300 минг сўм пулни, 6 сентябрь кунини эса 100 минг сўм маблағни қўлга киритишади.

Д.Бекмуродова ҳам уларнинг ёлғонига учган фуқаролардан ҳисобланади. Қизи С.Акрамовани Навоий тиббиёт коллежига ўқишга киритишни ваъда қилганларнинг гапига ишониб, 2012 йил 17 август кунини 4 млн. сўм, шунингдек, 5 сентябрда яна 200 минг сўм пулни ўз қўллари билан уларга тутқазади.

"Қўра кунда эмас, кундада синади". Уювчоннинг қинғир ишлари вақти келиб ошқор бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан департаментнинг Кармана туман бўлими ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди судланувчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарорининг 1-бандига асосан уларнинг айбонлиги масаласини ҳал қилмасдан туриб, жиноят ишини тугатиш тўғрисида ахрим чиқарди.

Ҳуқуқий эксперимент

муқаммал қонунлар ишлаб чиқиш қафолати

Этироф этилаётганидек, қонун ижодкорлиги фаолиятидаги замонавий усуллардан бири саналган ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳаларининг ҳаётийлигини таъминлаш йўлида жамият ва давлат қурилишининг аниқ амалиёти билан чуқур боғланган ҳамда илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда қизғин паллага кирган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови демократик тамойиллар муштарак бўлган мазкур истиқболли усулнинг ана шундай муҳим жиҳатларини амалга намоён этмоқда.

Миллий қонунчилик тизимида илк бор қўлланилаётган ушбу ноёб тажриба орқали қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлигини таъминлашга оид нормалари самарадорлигини аниқлаш муҳим мақсад саналади. Бу эса қонун лойиҳасини такомиллаштириш, уни самарали қўллаш механизмларини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнига ҳуқуқий эксперимент усулларини янада муваффақиятли жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда асосдир. Шунингдек, мазкур жараён мобайнида давлат органлари раҳбарлари томонидан энг аввало, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, жамоатчиликка дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилиши ҳам эътиборга моликдир.

Ўз навбатида ҳуқуқий эксперимент миллий матбуот томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсати ёритилиши сифати-ю самарадорлигини мунтазам ошириш, журналистлар касбий фаолиятини юксалтириш таомилларини амалиётда синовдан ўтказишда айна заруратдир. Қолаверса, шу асосда қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқаруви тизими барқарор фаолият юритиши, бу соҳадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири ва оқибатлари баҳоланади.

Чунончи, қонун лойиҳаси нормалари ҳамда ҳуқуқий эксперимент регламенти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларни тақдим этиш жараёнида фаол иштирок этиш мажбуриятини тўғридан-тўғри белгилаб беради. Бу уларнинг оммавий ахборот воситалари билан яқиндан мулоқотда бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш, энг муҳими, миллий медиа маконини долзарб ва ишончли ахборотлар билан тўлдириш учун асос бўлади.

Маълумки, фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида эркин ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари рўйи мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Ҳуқуқий эксперимент жараёнида айна жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклиги оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ўз навбатида бу оммавий ахборот воситала-

ри ходимларининг замонавий ахборот бозори шароитида жамият олдидаги масъулият тизимида жавобгарлигини янада чуқур англашини таъмин этади.

Эксперимент бўйича ишчи комиссия йиғилишларида қонун лойиҳаси нормалари синови бўйича ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар жаммуи белгилаб олинаёпти. Жумладан, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давомида кенг жамоатчилик экспериментнинг бориши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги дастурлар, бошқа ҳужжатларга оид ахборот олишда яратилган янги имкониятлар ҳақида кенг хабардор қилиб берилмоқда. Бундан ташқари, ахборот очиклигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган эксперимент самарадорлигига доир маълумотлар, эксперимент субъектлари фаолиятини баҳолаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама қилиш бўйича чет эллик мутахассислар ҳамда экспертлар иштирокида қатор конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Мазкур жараёнлар самарадорлиги кўп жиҳатдан тегишли технологик инфратузилмага ҳам боғлиқ. Зотан, бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган "электрон ҳукумат" гоясининг таркибий қисмларидан биридир. Шунга уйғун равишда ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш учун махсус Интернет-сайт ташкил этилди. Унда ҳар бир ҳоҳловчи эксперимент жараёни билан танишиши, қонун лойиҳаси нормалари муҳокамасида иштирок этиши мумкин. ОАВ вакиллари эса ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисида ахборот материаллари, эълон қилинаётган пресс-релизлар, ахборотномалар ва бошқа шу каби тарқатма материалларни автоматик равишда олиш имкониятига эга. Шунингдек, Ишчи комиссия ҳамда Бухоро ва Самарқанд вилояти ҳокимликларида тузилладиган ишчи гуруҳлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун тизимли асосда видеоконференциялар ташкил этиб келинаётгани ўзаро тезкор ахборот алмашувини таъминламоқда.

Шунингдек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент максалларига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида мав-

Дилрабо ЖУМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Ахборот хизмати ходими

жуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда замонавий ахборот технологияси имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, унда онлайн тизимда фуқаролар муносабатлари билан ишлаш, қонун ижодкорлиги юзасидан аудио, видеоматериаллар билан бойитиб бориш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ахборот алмашувини йўлга қўйиш юзасидан муайян вазифалар амалга оширилмоқда.

Айни кунда лойиҳа тарғиботининг асосий босқичи давом этмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ахборотдан фойдаланувчилар фаолиятини экспериментни ўтказиш тартибига мувофиқ ташкил этиш, ҳокимият, бошқарув тузилмалари фаолияти очиклигини таъминлашнинг қонун лойиҳасида назарда тутилган шакл ва усулларини амалиётда синовдан ўтказиб, маромига етказиш мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар саналади. Бундан ташқари, унда ушбу тузилмалар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга ошириш масалалари ва жамоатчилик учун қизиқарли бўлган бошқа масалалар бўйича интервьюлар, матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш, қонун лойиҳаси нормаларининг самарадорлигини комплекс баҳолаш ҳам назарда тутилган.

Бу жараёнда қонун лойиҳасининг янада ҳаётийлигини синовдан ўтказиб, эксперимент жараёнида нормаларни янада такомиллаштириш, унинг процессуал механизмларини аниқлаб бериш ва энг муҳими, бугунги кунда мавжуд демократик принципларга қай даражада мос келишини назорат қилиш лозим. Шу билан бирга, қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан унинг самараси, натижаси бугунги кунда демократик жараёнларга, хусусан, мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга самарали таъсирини аниқлаш муҳим вазифа саналмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент бўйича ўтказилаётган таҳлиллар, шунингдек, Бухоро ва Самарқанд вилояти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ахборот сўровлари бўйича жавоб қайтариш муддатлари ва талабларига қатъий амал қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида архив ва ахборот-кутубхона фондларида ахборот тақдим қилиш соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Ҳуқуқий эксперимент доирасидаги тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда ОАВ ўртасида ҳамкорлигини янада кучайтириш, ижтимоий сўровлар ўтказиш самарадорлиги масалаларига эътиборни қўнайтириш ҳам бу борадаги муҳим вазифалар сирасига кириди.

Мамлакатимизда воёга етмаганлар ҳуқуқлари уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустақкам ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилгани, замонавий таълим муассасаларининг барпо этилаётгани, воёга етмаганлар ҳамда ёшларни моллий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани ушбу сиёсатнинг яққол нфосасидир.

Доимий эътибор ва масъулият зарур

Музаффар АБДУЛЛАЕВ,
Наманган шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби ўқувчиси,
халқ таълими аълочиси

Яқинда ОАВ орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қодировнинг "Умумий ўрта ва ўрта-махсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлиги" — баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим омилдир" номли мақоласи чоп этилди. Унда юртимизда ёш авлодни тарбиялаш, уларни ҳар жиҳатдан билимли ва соғлом қилиб воёга етказиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз борган.

Мақолада қайд этиб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг узоқ ва давомли мақсадларни кўзда тутиадиган концептуал гоялари асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш жараёнида 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуқсиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилганини бошқа бирор давлатда кўрмадим. Лекин биламанки, дунёнинг аксарият мана-ман деган давлатларида юқори синф ва ундан кейинги коллеж ёки лицейда таълимни давом эттиришнинг пуллик тизимига ўтилган.

Шу билан бирга, мақолада кейинги йилларда мазкур соҳада аниқланган айрим камчиликлар, хусусан, ўқувчиларнинг давомати билан боғлиқ муаммоларга ҳам кенг тўхталиб ўтилган. Давлат томонидан болаларимизнинг келажагини ўйлаб, қандайдан-қанча сарф-харажат эвазига 12 йиллик бепул ўқишни ташкил қилиб, замонавий технологияларга асосланган, ҳаётон илгор таълим стандартларига мос билим олиш учун шароитлар яратиб берилса-да, болалар коллежга бормаганлигини нима билан изохлаш мумкин. Жойларда ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик, қолаверса, бола тарбияси учун бевосита жавобгар бўлган ота-оналар ва бошқа масъул шахслар бепарволарча қўл қовуштириб ўтирганлиги мақолада очик ва аччиқ ҳақиқат билан тилга олинган. Тўғри, бу ёшда ўқимирлар анча ўзгарувчан, ҳар нарсаси қизиқувчан, бирор нарсаси қалғувчан бўлиб қолади. Уларнинг бу ёшда яхши билан ёмонни, эртанги кун ҳаёти учун нима қилиш лозимлигини биз тушунтириб тўғри йўлга солишимиз, қисқаси, оқ-қорани тўлиқ англайиб боришга биз катталар масъулмиз. Бу бизнинг вазифамиз, бурчимиз. Ўзбекистон "Болалигини асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган ҳаёон рейтингига болалар саломатлигини мустақкам бўлса-да катта ғамхўрлик кўрсатяётган энг илгор ўн мамлакат қаторидан ўрин олгани, аёллар учун энг яхши шарт-шароитлар яратилган давлатлар рейтингини бўйича 125 мамлакат орасида кучли йигирматаликдан жой олгани, таълим соҳасига берилаётган эътибор бўйича дунёда иккинчи ўринда туришимиз шу юртининг ҳар бир фарзандини гуруллантиради.

Миллатимиз келажаги бўлган фарзандларимиз баркамоллиги, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва етук воёга етишига, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам шундан далолат эмасми.

Прокуратура органларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, коллеж битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг самарасини вилоятимиз мисолида ҳам кўриб туримиз. Мисол учун, битирувчи ёшларга меҳнат ярмаркаларининг ўтказилаётганини ёки касб-хунар коллежларига қабул қилиш жараёнидаги ўқувчиларга барча шароитларнинг яратилаётганини, ортиқча оворагарчиликлар бўлмаётганини кўраймиз.

Узлуқсиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшиланиши воёга етмаганларнинг билим олишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширди. Бу эса ўз навбатида, уларнинг бандлигини таъминлаб, воёга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин камайишига имкон берди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 30,5 фоизга камайган.


Бугун қўлга киритаётган ютуқлар ўзимизники, уни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Камчиликларни баҳамжиятликда бартараф этишимиз лозим. Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг "Барчангиз яхши биласизки, келахак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини қўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади", деган гапларида катта маъно ва масъулият муҳассам.

Зотан, гап миллат келажаги ҳақида кетар экан, таълим-тарбия ишини кечиктириб, бу борада хатога йўл қўйиб бўлмайди.

16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни

Сайёрамизнинг ҳимоя қалқони

бугунги кунда ҳимояга муҳтож



Табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ижобий ҳал этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Қуёшнинг ёруғ нур сочиши нафақат инсоният, балки бутун бориқ, тириклик учун ниҳоятда зарур. Бироқ қуёш спектридаги барча нурлар ҳам фойдали эмас. Унинг баъзи нурлари тирик организмлар учун ниҳоятда зарарлидир. Ер юзасидан 10 километрдан 50 километргача бўлган баландликда қуёш нурининг салбий таъсиридан бориқни ҳимоя қилувчи озон қатламини жойлашган. У қуёшдан келатган ҳаёт учун зарарли бўлган ультрабинафша нурлар рашиациясининг қарийб 93-99 фоизини тўтиб қолади.

Табиатда озон қандай пайдо бўлади? У момақалдирок бўлиб, чақмоқ чакнаганда, қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсири остида ҳамда жуда кўп сув ва қатонли моддалар буғланганда (денгиз ва океан қирғоқлари, тоғ ва ўрмонларда) атмосферанинг пастки қаватларида оз микдорда, лаборатория шароитида эса паст электр зарядланишда ёки ультрабинафша нурларининг кислородга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Маълумотларга қараганда, озон моддаси сайёрамизда бундан 620 миллион йил бурун пайдо бўлган.

Глобал иссиқ, атмосфера таркибида карбонат ангидрид, олтингугурт оксиди, азот, углеводород ва бошқа зарарли моддалар микдорининг кўпайиши нафақат ҳаво ҳароратининг кўтарилишига, балки бошқа барча иқлим омилларининг ўзгаришига олиб келади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, саноат қорхоналаридан ҳамда транспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган турли газлар ва бошқа маиший чикиндилар микдорининг ошиши натижасида озон қатламининг емирилиши ва туйнуқлар ҳосил бўлиши кузатилаётган.

Бу ўз навбатида атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатуви жуда катта экологик муаммони келтириб чиқариши мумкин. Сайёрамиздаги барча биологик хилма-хиллик ҳимоячиси бўлган озон қатламини муҳофаза қилиш мақсадида 1985 йилда озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида Халқаро ҳужжат — Вена конвенцияси, 1987 йил 16 сентябрда озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи имзоланди. Монреаль протоколи имзоланган кун — Ернинг озон

қатламини ҳимоя қилиш Халқаро кунли сифатида ҳар йили кенг нишонланмоқда.

1993 йил 18 майда Ўзбекистон озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси ва Монреаль протоколига қўшилди ва мазкур халқаро ҳужжатлар асосида озон қатламини бузувчи кимёвий моддаларнинг кенгайтирилган рўйхати тузилиб, улардан глобал микёсда фойдаланиш ёки маълум чекловлар даражасида фойдаланиш ёхуд фойдаланишни тақиқлаш бўйича талаблар қўйилди. Маълумот ўрнида таъкидлаш кераки, бугунги кунда Вена конвенцияси ва Монреаль протоколини 196 та давлат ратификация қилган.

Озонни емирувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотлардан фойдаланиш глобал аҳамиятга эга бўлиб, улардан фойдаланиш чоғида халқаро ва миллий талабларга тўлиқ амал қилиниши лозим. Монреаль протоколи ва унга қиритилган тузатишлар (Лондон, Копенгаген, Монреаль, Пекин)га мувофиқ, озонни емирувчи моддалар глобал ташланмаларини тартибга солиш бўйича олдини олувчи чора-тадбирларга амал қилиниши таъминланади. Шунингдек, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколини имзоламаган давлатлар билан озонни емирувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотлар савдоси тартибга солинади. Эътироф этиш кераки, атмосферанинг озон қатламини муҳофаза қилиш масаласи мамлакатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи доирасида фаолият олиб бориш, Миллий Дастур асосида озонни емирувчи моддалардан

фойдаланишни тўхтатиш шулар жумласидандир. Монреаль протоколи талабларини босқичма-босқич бажариш ушбу Дастурнинг муҳим стратегик йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда озон қатламини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида "Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2005 йил 11 ноябрда "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистонга Республикасига олиб кириши ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни тақомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа шу каби ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорларида озонни емирувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларни Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи тарафдори бўлмаган мамлакатларга олиб кириш ва улардан олиб чиқиш тақиқланган.

Мазкур халқаро ҳужжатларни имзолаган давлатлар учун озонни емирувчи моддалар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ишлатиш бўйича замонвий ва муқобил технологияларни бир-бири билан алмаштириш имконияти кенгайди, жаҳон бозориди уларнинг ўрнини босувчи моддалар ва аралаш маҳсулотлар билан савдо қилиш имконияти сақлаб қолинади. Глобал Экологик Фонднинг техник ва молиявий кўмаги тақдим этилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик мамлакатлар учун нафақат сиёсий ва иқтисодий фойда келтиради, балки трансгегарвий экологик муаммолар ечимини топишда давлатлардан ҳамкорлик учун қулай шароит яратлади.

Атмосфера ҳавосида озоннинг метёрида бўлиши унинг мусаффолигини кўрсатади. Инсон ҳаётида озоннинг тугган ўрни жуда муҳим бўлиб, у кўз қобиғидаги тўр пардага ёмон таъсир кўрсатадиган ультрабинафша нурларини атмосферада тўтиб қолади. Шифокорларнинг фикрича, ультрабинафша нурлар меъёридан кўпроқ бўлса, кўз гавхарининг фаолияти бузилар экан.

Сўнгги йилларда дунёда иммунитет тизимининг бузилиши билан боғлиқ касалликлар кўпайиб бормоқда. Грипп эпидемияси, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми ва бошқа касалликлар шулар жумласидандир. Айниқса, иммунитет тизимига салбий таъсир этадиган УБ-В нурланиш сил, мохов, сувчак, қизамик, безгак, темиртки каби юқумли касалликларга нисбатан организмнинг қаршилик қилиш ҳусусиятини сусайтиради. Усимлик дунёси

ҳам УБ-В нурланишлари зараридан мустасно эмас. Хусусан, помидор, қанд лавлаги, картошка, соя, маккажўхори, қора жавдар, қунгабоқар каби экинлар ҳосилининг камайиб кетиши айтиш шараён билан боғлиқдир.

Бундан ҳам ачинарлиси, атмосферада иссиқликни ушлаб қоладиган "иссиқхона газлари" туфайли ультрабинафша нурларнинг сийраклашган озон қатламиндан Ер юзасига етиб келиши натижасида иқлим ўзгариши кузатилиб, қор ва музларнинг эриши тезлашади. Оқибатда сув ҳавзаси тартиб сатҳи кўтарилади. Бу эса қирғоқ бўйи фауна-флорасининг йўқолишига ва тоза ичимлик суви захирасининг камайишига олиб келади.

XX асрнинг 50-йилларида вулкон отилиши жараёнида таркибида олтингугурт бирикмалари бўлган газларнинг саммага кўтарилиши натижасида озонни емирувчи сульфатлар ҳосил бўлган бўлса, ўтган аср мўъжизаси ҳисобланган космик аппаратларни учирши ҳам озон қатламини емирилишига сабаб бўлмоқда. Космик кемаларнинг учирлиши жараёнида саммага юзлаб тонна озонни емирувчи кимёвий моддалар тарқалади. Шунингдек, советиш мосламасида фойдаланиладиган моддалар ҳам озон билан реакцияга киришиб, уни емиради. Озон қатламининг фреон газлари таъсирида емирилиши унинг қуёшдан келадиган ультрабинафша нурларни қайтариш қобилиятини сусайтиради. Турли саноат ва маиший чикиндиларнинг атмосферага тўхтовсиз чиқарилиши вазияти янада мураккаблаштириши мумкин.

Ер шарининг жанубий ва шимолий кутбларида, яъни 1985 йилда Антарктидада, 1992 йилда Арктикада энг катта озон туйнуғи ҳосил бўлганлиги аниқланган. Халқаро метериология ташкилоти ва БМТнинг атроф-муҳит бўйича Дастури ҳамкорлигида ўтказилган таҳлиллар натижаларига қўра, 2049 йилда Арктикада, 2065 йилга келиб Антарктида устида озон туйнуқлари тўлиқ тикланиши кутилмоқда.

Ўзбекистонда 1999-2005 йилларда ва 2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Ҳаракат Дастури ва озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича Миллий дастур доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви олиб борилмоқда. БМТнинг барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит дастури, Глобал Экологик Фонд каби халқаро ташкилотларнинг умумий қиймати 3,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бешта йirik лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди.

Натижада маиший совутичлар ишлаб чиқаришга асосланган "Сино" заводида таъмирлаш ишлари якунланиб, озон учун хавфсиз бўлган технологиялар ва сплит кондиционерлар ёрдамида замонвий совутичлар ишлаб чиқариш

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

йўлга қўйилди. "Сино" заводида озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни бутунлай тўхтатиш бўйича мониторинг олиб борилди. Шунингдек, озонни емирувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқариш лицензия бериш тизими мукамаллаштирилди, бу соҳада назорат кучайтирилди, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари келтирилди. Божхона хизмати ходимлари, совутиш ускуналарини созлаш ва таъмирлаш бўйича мутахассис-техниклар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш органлари инспекторларини ўқитиш ишлари амалга оширилди. Озон қатламини бузувчи моддалар ва таркибида шундай моддалар бўлган маҳсулотларнинг импорт-экспорт ҳисоботлари электрон маълумотлар базаси яратилди.

Шунингдек, 1993 йилда Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенциясига қўшилди, 1998 йилда эса Киота протоколини имзолади ва уни 1999 йилда ратификация қилди. Иссиқхона газларини қисқартириш бўйича тадбирлар комплекси амалга ошириш мақсадида 2006 йилнинг 6 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Киота протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2007 йилнинг 1 мартдан автомобил транспорти учун Евро-2дан паст бўлмаган, 2010 йилнинг 1 январидан эса Евро-3дан паст бўлмаган экологик стандартларни жорий этишга йўналтирилган "Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорти паркинни янгилаш тадбирлари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди.

Биз ҳар доим табиат сўзига она сўзини қўшиб ишлатамиз, chunki бола она бағрида эмин-эркин ўсиб улғайгани каби инсоният ҳаёти ҳам теварак-атрофимизни ўраб турган мана шу бориқ, табиат қўйнида кечади. Шу боис, табиатга она каби эъзозли муносабатда бўлиш талаб этилади. Зеро, Яратганининг ўзи уст-бошимизни, овқатимиз учун керак бўладиган неъматларни табиат бағрига жойлаган. Шундай экан, озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатишга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга йўналтирилган ҳамда иқлим ўзгаришларининг олдини олишга доир қабул қилинаётган барча қонунлар, фармонлар ва қарорларни сўзсиз бажарсак, она-Ерни обод қилиб, яшаб турган жойимизни пок тутаёқ, ўзимиз ва барча инсонларнинг саломатлиги учун қайғурган бўламиз. Зеро, саломатлик инсон учун энг улуг неъматдир.

Қизил кўзил узук



Номус яхши тарбия туфайли инсон онига сингайрилган гўзал ҳуқуқдир. У — кишини ёмон ишлардан қайтарилган, ҳар хил ноқониз майл ва истаклардан муҳофазатадиган қалқон. Номуснинг тоғталиши эса оғир оқибатларни келтириб чиқаради ва баъзида инсон ҳаётининг барбод бўлишига олиб келади.

Маҳфуза худди шундай ҳолатни бошидан кечирди...

2012 йил июнь ойида Деҳқонобод туманининг Алмати қишлоғи ҳудудида коллеж қурилиши бошлаб юборилган эди. Уйи қурилиш бораётган майдончага яқин бўлганлиги сабабли Маҳфуза ишчиларга овқат пишириб бериш вазифасини бўйинга олди. Унинг отаси ва укаси ҳам қурилишда ишлашар, онаси билан синглиси эса Маҳфузанинг ишларига вақти-вақти билан ёрдамга келардилар.

Нима ҳам бўлди-ю, бошқалардан кейинроқ қурилишга ишга келган Икром исмли йигит ошпаз қизнинг атрофида ўралашадиган, унга гап отаётган ва ҳушомад қиладиган бўлиб қолди. Бундай муносабат уларни бир-бирига яқинлаштирди. Орадан кўп ўтмай, август ойининг бошларида йигит Маҳфузага севги изҳор қилди. 27 ёшнинг нари-берисида турган қиз унинг раъйини қайтармади. Зеро, қизнинг ўзи ҳам тезроқ турмушга чиқиш ва оилали бўлишни истарди. Кўп ўтмай унинг бармоғида қизил кўзли узук пайдо бўлди. Гарчи бу "маток" оддий мисдан ясалган ва нархи унчалик қиммат бўлмаса-да, Маҳфузани қувонтириб юборди. Саккиз минг сўмга гўёки никоҳ узуги олиб берган йигит энди тинимсиз жаврар, севинчи, совчи юборишини, уйланишини айтиб, қизнинг ишончига кириш ва шу йўл билан ўз мақсадига эришишни кўзлариди.

Муҳаббат — инсон қалбини мусаффо этадиган улуг куч. Шу боис бир-бирига чин муҳаббат ришталарини боғлаган кишилар қалбида бошқа майда-чуйда ҳиссиётлар ва ғаразли мақсадларга ўрин бўлмайди. Афсуски, Икромнинг севги, деб ўйлаган туйғуси бачкана ҳиссиётдан фарқ қилмасди. Ва бунинг натижаси орадан маълум вақт ўтиб, юзага чиқди.

II

Ёзнинг охириларида Маҳфузанинг синглиси (Икромнинг судда кўрсатув беришича) унинг олдига келиб, "Икром ака, сиз опамни яхши кўраб экансиз, ammo буни онамга айта олмай юрган экансиз", дейди. Орадан икки кун ўтиб, тушлик вақтида қизнинг онаси келиб, Икромни қаҳриб олади ва ундан Маҳфуза билан қандай муносабатдалигини сўрай-

ди. Шунда йигит "гаров" уйнагани туфайли Маҳфузани яхши кўраман, деб бошини айлантирганини айтиди. Она эса бу пайтда ёнида турган қизига қараб: "Бўлди, шунга тегасан", дейди.

Қизнинг устидан гаров ўйнаш билан боғлиқ воқеалар ҳаётда ҳам, бадиятда ҳам учраб туради. Масалан, рус ёзувчиси Максим Горькийнинг "Йигирма олти йигит ва бир қиз", деб номланган ҳикоясида катта бир новвойхонада ишлайдиган 26 йигитнинг барчаси боқира бир қизни (боқиралиги учун) яхши кўришади ва худди ака-сингилдек муносабатда бўлишади. Кўп ўтмай қорхонага мўйловдор, башанг кийинган олифта бир йигит ишга келади. Шунда новвой йигитлар ҳар кунни нон олишга келадиган қизнинг кўнгли тўғрилиги, боқиралиги тўғрисида янги ишчиға фахр билан гапириб беришади. "Мен ўша боқирани бир кунда кўлга оламан", дея керилади олифта. Новвой йигитлар у қизни ҳеч қанча йўлдан урломаслигини айтадилар. Шунда ҳалиги олифта гаров ўйнайди ва ҳовлидаги ташландиқ уй тирқишдан қараб туринглар, деб чиқиб кетади. Йигитлар белгиланган вақтда бориб, тирқишдан қарашади. Не кўз билан кўрсинларки, олифта билан қиз хона бурчагида ўпишиб турардилар. Эртаси кун қизгина яна крендель (ўрама булка нон) олиш учун новвойхонага келади, ammo ҳар доим уни севиб қарши оладиган йигитлар энди унга қайрилиб ҳам қарашмайди.

Айтиш жоизки, ор-номус, ҳаё — қиз боланинг сепи. Сандиққа солинадиган лашушлар аслида ҳақиқий сеп эмас. Улар қиз боланинг боқиралиги, боҳаёлиги олдида ҳеч нарсаси эмас. Сеп, деб сандиққа солинадиган нарсаларни исталган дўкондан топиш мумкин, ammo юқорида айтилган фазилатлар йўқотилса, уни қайта топиб ёки сеп каби дўконлардан сотиб олиб бўлмайди. Демак, ҳар бир ота-она қизининг ана шу сепини эҳтиёт қилиши, ардоқлаши, узоқ йиллар давомида қиз боланинг шуғурига боқиралик туйғуларини сингдира бориши зарур.

Шундай экан, она "гаров" деган сўзни эшитиши билан ҳушёр тортиши ва фарзандини ҳам ҳушёрликка чорлаши керак эди...

III
Хушёрлик гафлат билан қоришиб кетди. Қишлоқ одамларига хос соддаликми ёки бепарволикми панд берди. Маҳфуза ҳомилдор бўлиб қолди...

Энди унинг тақдири Икромнинг тантилигига, ўз сўзида устуворлигига боғлиқ эди. Бундан хавфсизраган қиз "севгилиси"га бўйида борлигини маълум қилади. Шунда "Севаман, уйлана-ман", деб юрган йигитнинг муомаласи кескин ўзгарди. Энди у Маҳфузага қараб очикдан-очик: "Сен суюқ-оёқсан, эгри йўлга юргансан, бола мендан эмас", дейдиган бўлди.

Албатта, бундай вазиятда қиз нажот излади. Нима қилиш керак? Қандай йўл турса, ота-она, қавм-қариндош ва қишлоқдошлари олдида шарманда бўлмайди? Ахир, ор-номус, деган нарсаси бор. Одамлар нима дейди?

Бу саволларга Икром жавоб ҳозирлаб қўйганди. У фақат ўзини ўлдириш билан ҳамқишлоқлари ва қариндошлари орасида шармандалиқдан қутулиши мумкинлигини қизга очикдан-очик айтди. Маҳфуза кўлидаги қизил кўзли узукни хаёл ичра айлантирган кўйи бу "ҳукм"ни жимгина тинглади. Бу билан, ахир сен никоҳ узуги олиб берган эдинг-ку, демоқчидек кўринадир.

Икромнинг берган маслаҳатидан кейин қиз бир оқшом ўтириб хат ёзди: "Мени кечиринг, ота. Сизнинг юзингизни ерга қаратдим, ўзим бахтсиз бўлдим, ухлаб қолганимдан фойдаланиб Икром..." Хат охиригача етмаган бўлса-да, ҳаммаси маълум эди. Номуси тоғталган қиз 2013 йил 17 февраль кун ошхонага кириб, ўз хонига қасд қилди. Ўшанда чамаси кундуз соат иккилар эди. Бўлган воқеадан синглиси хабар топиб ва отасига маълум қилди.

Орадан ўн кун ўтиб Маҳфуза Қамаш тумани тиббиёт бirlашмасининг реанимация бўлимида вафот этди.

IV

Воқеанинг бундай тус олиши ва фожиа билан туғашига Икромнинг ёлғиз ўзигина сабабчи эмасди. Қизнинг атрофидаги кишиларнинг нотўғри йўл тутишлари, ҳар хил "деди-деди"лар ҳам сабаб бўлди. Оила-сида бўйга етган қизлари бор хонадонда бегона эркакларнинг келиб яшаши, ўша ерда тунаши халқимизнинг рудум ва урфларига тўғри келмайди. Буни тергов ва суд ҳужжатларидан, гувоҳлар ва жабрдийдаларнинг гувоҳлик бериб айтган сўзларидан яққол англаш мумкин.

Мана, жабрдийда онанинг судда берган гувоҳлиги: "2012 йил май ойининг охириларида "КамАЗ" автомашинаси ҳайдовчиси Ғофур Ҳақимов қариндоши Икром Эргашев билан яна 3-4 нафар ишчиларни уйимизга олиб келди. Икром Эргашев уйимизга келиб-кечиб юрадиган бўлди. 2012 йил август ойида Ғ.Ҳақимов, И.Эргашев ва уларнинг ҳамроҳ-

Нуриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
Деҳқонобод туман прокурори

лари Жамшид, Элмурод, Нурбек ҳамда Сафар исмли йигитлар бизникида овқатланиб ўтиришганда Икром: "Хола, қизингизга уйлана-ман. 2-3 кун ичида совчи юбораман, май ойида тўй қилиб, олиб кетаман", деди. Шунда Ғофур Ҳақимов ("КамАЗ" ҳайдовчиси) сен уйлаб гапир, ота-онанг бор, улардан рухсатсиз бу гапларни гапирма, деб танбех берди". Судда жабранувчининг айтишича, бу гаплар бошқа воқеаларга тугташиб кетади. Яъни Икромнинг бошқа қиз билан фотиҳа қилигани маълум бўлади. Жабрдийда она Икромнинг уйига боради. Анча-мунча гап-сўзлардан кейин уйланамайдиган бўлса, нима сабабдан Маҳфузага қизил кўзли, сариқ рангдаги узук олиб берганини сўрайди. "Мен узукни совға тариқасида олиб берганман, уйланиш учун эмас", деб жавоб беради йигит.

Кўнгли абгор бўлиб уйига қайтган онанинг қизига таскин беришдан бошқа иложи қолмаган эди.

— Сенга ҳам бошқа йигит топилар, уни эсиндан чиқар, — дейди она қизига.

— Мен бу шармандаликка чидолмайман, Икром билан севиниб юганимни қишлоқдошларим билди, — деб йилгайди қиз.

Судда гувоҳлик берган она нима учундир қизил кўзли узук воқеасини таъкидлаб айтиди. Унинг кўрсатувига қараганда, ўша кун, яъни 2012 йил август ойининг бошларида тумандаги Ойбек МФЙ бозорида қизи Маҳфуза билан шўрва ва ош пишириб сотиб турганларида, Икром келиб саломлашади ва қизга қараб "Юр, бозор айланамиз", дейди. Онаси ҳам қизининг йигит билан бозор айланишига қаршилик кўрсатмайди. Бир соатдан кейин улар қайтиб келадилар. Икром кетгандан сўнг Маҳфуза бармоғига тақилган сариқ рангли қизил кўзли узукни онасига кўрсатиб, Икром олиб берганини ва турмушга чиқишини сўраётганини маълум қилади. Онаси наҳини сўраганида, саккиз минг сўм туришини, Фотима опадан олиб берганини, узук тилло эмас, мисдан ясалганини айтиди.

Ҳа, қиз узукнинг тилла эмас, мисдан ясалганини билган. Аммо Икромнинг севгиси ҳам кўринишда яроқли, олтинга ўхшаб турса, аслида оддий мис эканлигини кеч англаган эди.

Бу иш юзасидан жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани суди одилона ҳукм чиқарди. Жиноятчининг айби аниқ далиллар асосида бўйнига қўйилиб, унга нисбатан қонунда кўрсатилган жазо тайинланди.

...Дарвоқе, суд ҳужжатларининг сўнгги қисмида "мисдан ясалган, сариқ рангли, қизил кўзли узук йўқ қилинсин", деган ҳукм ҳам борки, бу ўзига хос рамзи маънони англатиб турганга ўхшайди.

Одам савдоси трансмиллий жиноятлар тоифасига кириб, бу турлаг жиноятларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳам бу жиноятдан огоҳ бўлишга чорловчи материаллар олимий равишда бериб борилаётир. Телевизорни қўйсангиз ҳам, радио қулоғини бўраб, куналлик газета-журналларни варақласангиз ҳам огоҳликка даъват этувчи гапларни ўқиб, ушбу долзарб муаммо ҳақидаги жумлаларни эшитасиз.

Алданиб қолган ёмон

Отабек АТАКОВ,
Нурота туман прокурори


Бекпўлат Турсуновнинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) тўрт нафар фарзанди бор. Рўзгор тебратиш, фарзандларини қоқиб, тарбиялаш учун ҳалол меҳнат қилиб, ерга меҳр қўйса бўларди. Ахир "Ер бойлигининг отаси бўлса, меҳнат унинг онаси", деб бежиз айтишмаган. Қарийб қирчиллама қирқ ёшдаги бу йигит мўмай даромад топиш, бойлик орттириш мақсадида одам савдосидайдир қирқанч жиноятга қўл урди.

Бир жойининг одамлари бўлган етти нафар ишсиз йигитларни тўплаган Бекпўлат уларни кўшни Қозоғистон Республикасига олиб бориб, қоп-қоп ваъдалар билан йигитларнинг кўйини пуч ёнғоққа тўлдирган "шоғвоз" ҳамюртларини қозоқ миллатига мансуб шахсларга топширди. "Сизларни вақтинчалик рўйхатга қўяман", деб йигитларнинг фуқаролик ҳужжатларини олиб қўйди. Йигитлар турли шахслар қўлида кунига 12-18 соатлаб оғир шароитларда меҳнат қилишди. Бироқ иш ҳақидан дарақ йўқ эди. Иш ҳақларини сўрашганида, "Бекпўлат олиб кетган", деган жавобни эшитишди. Буни аниқлаш учун йигитларнинг Бекпўлатга қилган кўнги-роқлари жавобсиз қолди. Охи-роқибат еттовол бир амаллаб юрти-мизга қайтиб келишди ва тегишли идораларга бошидан ўтганларини баён қилиб, муурожаат қилишди.

Судда Бекпўлат қилган жиноятларига иқдор бўлди. Суд ҳукми билан Б.Турсуновга беш йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Оғир одамлар жиноятга қўл уради. Онгли, маънавий жасоратли ва кучли одамлар узоқни кўзлаб, тонг отиши ва кун ботишининг ҳикмати-ни англаб, ҳар бир амалининг оқибатини ўйлаб яшайди. Бекпўлат ҳам узоқни кўзлаб, қилаётган ишининг оқибатини ўйлаб иш қилганида эди, умрининг олтин даamlарини панжара ортида ўтказмасди. Шунингдек, фарзандларига "жиноятчи-нинг боласи" деган тамғани босмаган бўларди.





Хурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)



КЎИДАГИ МАҚСАДЛАРГА:

- Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
- Оилавий тадбиркорлик ва ҳунарманчиликни ривожлантириш учун;
- Касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ.

Кредитларни "Асака" банк (ОАЖ)нинг барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.

"Асака" банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимларининг телефон рақамлари:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Корақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59	Сирдарё вилоят филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилоят филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-15-32	Фарғона вилоят филиали	8-373-224-72-14
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15	Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34	Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилоят филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилоят филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82	Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилоят филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарканд вилоят филиали	8-366-233-63-82	Юнусобод филиали	8-371-221-80-67
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68	Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Сурхондарё вилоят филиали	8-376-770-82-20	Жиззах вилоят филиали	8-372-226-34-90

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

"Асака" банк (ОАЖ) кўп каналли ягона "ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" рақами: (8-371) 120-82-88.

«Асака» банк — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Сотувчининг манзили: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.
Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29 факс: 268-27-29

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Баландса сакловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция миқдори	Хусусий-лаштирилиши белгиланган ҳукумат қарори
1	15-уйнинг ярим ертўласи	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, 4-ноҳия	Ангрен шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар	Бинонинг қурилиш ости майдони 350,52 кв.м.	51 979 500 сўм	сотиб олиш қийматининг 50	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
2	7-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотураж жой" майдони	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод кўрғони, Г.Гулям кўчаси		Бинонинг қурилиш ости майдони 171,83 кв.м.	38 706 480 сўм	фонддан кам бўлмаган миқдорда	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
3	3-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотураж жой" майдони	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод кўрғони, Наврўз кўчаси		Бинонинг қурилиш ости майдони 84,96 кв.м.	24 752 160 сўм	инвестиция киритиш,	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
4	10-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотураж жой" майдони	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Янгиобод кўрғони, Театральная кўчаси		Бинонинг қурилиш ости майдони 467,64 кв.м.	141 750 000 сўм	янги иш ўринларини ташкил этиш	ПҚ-1743 25.04.2012 й.
5	"Бино ва иншоотлар"	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, Катта Ўзбек тректи ҳудуди	Зангиота туман Давлат солиқ инспекцияси, 111100, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К.Фофуров кўчаси, 7-уй	Ер майдони 0,2705 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 477,4 кв.м.	625 113 000 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
6	Собик ички ишлар бўлими бино ва иншоотлари	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Саховат кўчаси	Ангрен шаҳар ҳокимлиги, 110200, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар	Ер майдони 0,1556 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 556,42 кв.м.	342 883 500 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.
7	"Нотураж жой биноси"	Паркент тумани, "Корақалпоқ" ҚФЙ, Ёшлык кўрғони	Паркент тумани ҳокимлиги, 102222, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ичкикўрғон кўчаси, 5-уй	Ер майдони 0,13 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 320,89 кв.м.	67 945 900 сўм		ПҚ-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносидан 2013 йил 16 октябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, мuddати ва шартлари):

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
 2. Тўлов мuddатини қисқа мuddатларда амалга ошириш.
 3. Сотувчи билан 20 кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини тузиш.
- Талабгорлар таклифларини қабул қилишининг тамом бўлиши санаси ва вақти:** 2013 йил 15 октябрь куни соат 18:00гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълоҳда белгиланган мuddатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қўидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртномани икки нусхада такдим этади:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирил-

ган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдоридан зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— қўидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари.

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари.

Такдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарлиқлар ва ўз ҳуқуқларингиз пўймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилишингиз сўралади.

Хизматлар лицензияланган

